

“O'ZPARTAMPONAJ” АЖ

**Акциядорларининг 2020 йил « 30 » сентябрдаги
умумий йиғилиш қарори билан
«ТАСДИҚЛАНИГАН»
М.Ў.**

**«O`ZPARTAMPONAJ»
aksiyadorlik jamiyatining**

«ИЧКИ АУДИТ ТҮҒРИСИДА» ги

НИЗОМИ

Коровулбозор тумани -2019 йил

**«Ўзпартампонаж» акциядорлик жамиятининг ички
аудит хизмати тўғрисидаги**

Н И З О М И

1.Умумий қоидалар.

1.1. Мазкур Низом Узбекистон Республикаси Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги қонуни, Республика Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги «Қимматли қофозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадибрлари тўғрисида» ги ПК 475-сонли, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли қарорлари, «Ўзпартампонаж» акциядорлик жамиятининг уставига мувофиқ жамиятда ички аудитни ташкил этишга қўйиладиган ягона талабларни ҳамда унинг ишини ташкил этишнинг методологик асосларини белгилайди.

Активларининг баланс киймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варафига киритилган жамият фақат мазкур жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан таркиб топган аудит қўмитасини ташкил этиши шарт. Жамиятнинг ички аудит хизмати, агар бундай хизмат мавжуд бўлса, ўз фаолиятида аудит қўмитасига ҳисобдордир.

Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг якка тартибдаги ижроия органи-директор (кейинги ўринларда – директор), филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун хужжатларига, жамият уставига ва бошқа хужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг директори, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қиласи ҳамда баҳолайди.

Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини, агар қонунда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартиба мавжуд бўлса, ўз фаолиятида аудит қўмитасига ҳисобдордир.

1.2. Мазкур Низом максадлари учун қўйидаги тушунчалардан фойдаланади:

- Ички аудит - жамият бошкарув органи ва таркибий булинмалари томонидан Узбекистон Республикаси конун хужжатларига, таъсис хужжатларига ва ички хужжатларга риоя килинишини текшириш ва мониторинг олиб бориш йули билан улар ишини назорат килиши ва баҳолаш, маълумотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисботда акс эттирилишининг туликлилиги ва ишончлилигини таъминлаш, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тамоиллари, активларнинг сакланиши ҳамда корпоратив бошқариш принциплари жорий этилиши бўйича жамият таркибий булинмасининг ички аудит хизмати фаолияти;

- Ички аудит хизмати - мазкур Низом талаблари хисобга олинган холда жамият Кузатув кенгашининг карори билан ташкил этиладиган жамиятнинг ички аудитни амалга оширадиган таркибий булинмаси.

2. Жамият ички аудит хизматининг асосий вазифалари ва функциялари.

2.1. Қўйидагилар ички аудит хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади:

кузатувчи кенгашни ишончли аҳборот билан таъминлаш ва ички аудит амалга оширилиши натижалари бўйича корхона фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш;

ички аудит жараёнида аниқланадиган камчиликларни бартараф этиш юзасидан корхона бошқарув органларига тавсияларни тезкорлик билан киритиш, уларнинг бартараф этилишини назорат қилиш.

2.2. Қўйидагилар ички аудит хизматининг асосий функциялари ҳисобланади:

ҳар йили корхонанинг кузатувчи кенгаши томонидан тасдиқланадиган режага мувофиқ мазкур Низомнинг 6.1-бандида кўрсатилган йўналишлар бўйича тегишли текширишлар ўтказиш ўйли билан ички аудитни амалга ошириш (ҳар чоракда ва ҳисобот йили якунлари бўйича);

тузиладиган хўжалик шартномаларининг қонун хужжатларига мувофиқлиги юзасидан экспертиза ўтказиш;

бухгалтерия ҳисобини юритишда ва молиявий ҳисоботни тузишда корхонанинг таркибий бўлинмаларига методик ёрдам бериш, уларга молия, солиқ, банк қонунлари ва бошқа қонун хужжатлари масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;

техник топшириқларни ишлаб чиқишида, ташқи аудиторлик ташкилотларининг таклифларини баҳолашда ҳамда аудиторлик текширишларини ўтказиш учун ташқи аудиторлик ташкилотини танлашда тавсияларни тайёрлашда корхонанинг кузатувчи кенгашига кўмаклашиш.

Жамиятнинг ички аудит хизмати ички назоратни, шу жумладан, 50 фоиздан зиёд улуши АЖга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

3. Ички аудит хизматининг хукук ва мажбуриятлари

3.1. Ички аудит хизмати куйидаги хукукларга эгадир:

- ички аудитни амалга ошириш давомида пайдо буладиган масалалар бўйича корхонанинг хужжатларини (директорнинг буйруқлари, фармойишлари, бошкарув органлари карорлари, маълумотномалар, хисоб-китоблар, зарур хужжатларнинг тасдиқланган нусхалари ва бошқа хужжатларни), жамият мансабдор ва масъул шахсларидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар олиш;

- ички аудитни ўтказишга кўмаклашиш учун жамиятнинг тегишли мутахассисларини жалб этиш;

3.2.Ички аудит хизмати куйидагиларга мажбур:

- ички аудитни амалга оширишда мазкур Низом ва бошқа қонун хужжатлари талабларига риоя килиш;

- мазкур Низомнинг 6.1-бандларида белгиланган талабларга мувофик ҳисоботларни тузиш;

- молия ва статистика ҳисботи курсатгичларининг ишонччилигини текшириш;

- ички аудитни амалга оширишда олинган ахборотнинг махфийлигига риоя қилиш;

- жамиятнинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан жамиятга зарар етказилишидан далолат берувчи холатлар аниқланган тақдирда бу хақда дархол жамиятнинг Кузатув кенгашига хабар бериш ва аудиторлик ҳисботида тегишли ёзувни кайд этиш;

- активларни хатловдан ўтказишда ва қонунда белгиланган тартибида унинг ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилишда иштирок этиш;

- ички аудит хизмати қонун хужжатларига ва жамиятнинг таъсис хужжатларига мувофик бошқа мажбуриятларга хам эга бўлиши мумкин.

4. Ички аудит хизматига куйиладиган талаблар.

4.1. Ички аудит хизмати ходимлари охирги ўн йилнинг камида икки йилида бухгалтерия ҳисоби, аудит, молия ёки солиқ назорати соҳасида амалий (шу жумладан ўриндошлик бўйича) иш стажига эга бўлиши ва қуйидаги талаблардан биттасига жавоб бериши керак:

- аудиторнинг малакли сертификатига эга булиш;

- Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида, ёхуд Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги таълимга тенглиги эътироф этилган хорижий давлат таълим муассасасида олинган олий иқтисодий маълумотга эга бўлиш;

- Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби аудиторларнинг республика профессионал жамоатчилик бирлашмалари томонидан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади.

4.1. Ички аудит хизматига ички аудитор сертификатига эга бўлган унинг раҳбари бошчилик қиласи.

4.2. Ҳар йили ички аудит хизмати раҳбари ички аудит хизмати харажатларининг йиллик сметасини тузади ва уни тасдиқлаш учун корхонанинг кузатувчи кенгашига тақдим этади.

4.3. Ички аудит хизмати ходимларининг касб даражаси тегишли лицензияга эга бўлган таълим муассасаларида мунтазамлилик асосида уларнинг малакасини ошириш воситасида сақланиши керак.

4.4. Ички аудит хизмати ходимлари корхона кузатувчи кенгаши томонидан ҳар йили аттестациядан ўтказилиши керак.

5.Ички аудит хизматининг мустақиллиги.

5.1.Кўйидагилар ички аудит хизмати мустақиллигининг асосий шартлари ҳисобланади:

- ички аудит хизмати раҳбарини ва унинг ходимларини лавозимига тайинлаш, меҳнат шартномасини тузиш, эгаллаб турган лавозимидан озод этиш, жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бўйича уларга иш хақи миқдорини ва бошқа тўловларни белгилаш;

- жамият Кузатув кенгашига бевосита бўйсимиш.

6. Ички аудит ўтказишга ва уни ўтказиш натижалари бўйича йиғма ҳисобот тузишга қўйиладиган талаблар.

6.1. Ички аудит:

- тасдиқланган бизнес-режа бажарилишини;

- корпоратив бошқариш принципларига риоя қилинишини;

- бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобнинг ҳолатини;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисобланиб чиқилиши ва тўланишини;

- молия-хужалик фаолиятини амалга оширишда қонун хужжатларига риоя этилишини;

- активларнинг ҳолатини;

- ички назоратнинг ҳолатини текшириш ва уларнинг мониторингини олиб бориш йўли билан факат ички аудит хизмати ходимлари томонидан амалга оширилади.

- жамият Кузатув кенгаши томонидан қўйиладиган талаблардан келиб чикиб қонун хужжатларига мувофиқ текширишни ўтказишнинг бошқа йўналишларини белгилаш мумкин;

- ўтказилган текширишлар натижалари бўйича бевосита уни ўтказган ходим (ходимлар) томонидан имзоланадиган тегишли ҳисоботларни тузади.

Бунда:

а) бизнес-режса бажарилишини текшириши натижалари тўғрисидаги ҳисобот қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- унинг бажарилишининг миқдор ва сифат кўрсатигичлари таҳлили;

- унинг бажарилиш таъминланмаган тақдирда айбор мансабдор шахслар шахсан кўрсатилган ҳолда аниқланган сабаблар баёни;

б) корпоратив бошқариш принципларига риоя қилишини текшириши натижалари тўғрисидаги ҳисобот қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- жамият бошқарув органи томонидан қабул килинадиган қарорларнинг самаралилиги, унинг қатнашчиларининг қонуний хуқуқ манфаатларига риоя этилиши таҳлили;

- корпоратив бошқариш соҳасида қонун хужжатлари бузилиши ҳолатлари баёни (таъсис хужжатларига риоя қилиш, умумий йигилишлар ва жамият бошқарув органи мажлислари ўтказилиши, акциядорларга дивидендлар тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланиши ва хоказолар);

в) жамиятнинг бухгалтерия ҳисоби ва молия ҳисоботи ҳолатини текшириши натижалари тўғрисидаги ҳисобот қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молия ҳисоботини тузишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини баҳолаш;

- аниқланган бухгалтерия ҳисоботини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг белгиланган тартиби бузилишининг тавсифи;

г) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисобланиши ва тўланишини текшириши натижалари тўғрисидаги ҳисобот қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- тузилган ва тегишли назорат органларига тақдим этилган соликлар ва мажбурий тўловлар ҳисоб-китоби тўғрилигини баҳолаш;

- соликлар ва мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлашнинг белгиланган тартиби бузилиши холатларини, солик солинадиган базани белгилашда четга чиқишлиарни баён қилиш;

д) молия-хўжалик операцияларини амалга оширишида жамият томонидан қонун хужжатларига риоя қилинишини текшириши натижалари тўғрисидаги ҳисобот қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- жамият томонидан амалга оширилган молия-хўжалик операцияларининг қонун хужжатларига мувофиқлигини баҳолаш;

- ички аудит давомида аниқланган жамият томонидан амалга оширилган молия-хўжалик операцияларининг қонун хужжатларига номувофиқлигини баён қилиш;

е) ички назоратнинг ҳолатини текшириши натижари тўғрисидаги ҳисобот қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- ички назорат тизимини ва унинг фаолият кўрсатишидаги мавжуд камчиликларни баён этиш;

- жамият таркибий бўлинмаларида ижро интизомининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, унинг аниқ ходимлари ишидаги мавжуд камчиликлар.

Активларнинг ҳолатини текшириш натижалари активларни хатловдан ўтказишнинг асосланишини ҳамда уларнинг харакати, амалда мавжудлиги ва сақланиши тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.

Шунингдек, ўтказиладиган текширишлар бўйича барча ҳисоботларда жамият бошқарув органи ва унинг таркибий бўлинмалари фаолияти баҳоланишини, аниқланган четга чиқишлиар ва қонунни бузишларни бартараф этишга доир тавсияларни, тасдиқлайдиган хужжатларнинг тўлиқ пакетини ўз ичига оладиган якуний қисм бўлиши керак.

Ўтказилган ички аудит якунлари бўйича, мазкур Низомнинг 6.1-бандига мувофик, ички аудит раҳбари томонидан имзоланадиган йиғма ҳисобот тузилади.

Ушбу йиғма ҳисобот:

- тахилий қисмни;

- якуний қисмни;

- тасдиқлайдиган хужжатларнинг тўлиқ пакетини ўз ичига олиши лозим.

Йиғма ҳисоботнинг таҳлилий қисми мазкур Низомнинг 6.1-бандига мувофик, ички аудит ходимлари томонидан ўтказиладиган текширишлар натижалари тўғрисидаги умумлаштирилган ахборотни ўз ичига олиши керак.

Ҳисоботнинг якуний қисми:

- жамиятнинг бошқарув органи ва таркибий бўлинмалари фаолиятига, шунингдек ликвидлигига умумий баҳони;

- аниқланган четга чиқишлиар ва қонунни бузишларни бартараф этиш бўйича ички аудит хизматининг тавсияларини ҳамда жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга, корпоратив бошқаришни такомиллаштиришга доир умумлаштирилган таклифларни ўз ичига олиши керак.

Йиғма ҳисобот ички аудит якунлангандан кейин 10 кун мобайнида тугалланиши зарур.

Йиғма ҳисоботлар бевосита жамиятнинг Кузатув кенгашига унинг кўриб чиқиши ва кейинчалик тасдиқлаш учун тақдим этилиши керак.

Ҳисоботлар нусхалари тасдиқлангандан кейин жамият бошқарув органига тақдим этилиши керак.

Жамиятнинг бошқарув органи ички аудит натажисида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриши шарт.

Ички аудит хизмати текшириш давомида аниқланган қонун бузишларини бартараф этиш, шунингдек умуман жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва зарур даражада бажарилиши устидан назорат ўрнатиши лозим.

7. Ички аудит хизматининг жавобгарлиги.

7.1. Ички аудит хизмати ходимлари:

- ўзлари ўтказган текшириш натижалари бузиб кўрсатилганлиги;
- уларга тақдим этилган ёки улар томонидан хизмат вазифаларининг бажарилиши муносабати билан уларга маълум бўлган жамиятнинг сирини ташкил этадиган ахборотнинг маҳфийлигига риоя қилинмаганлиги;
- олинган хужжатларнинг сақланиши ва қайтарилиши таъминланиши учун жавоб берадилар.

Ички аудит хизмати аудиторлик текширишлари давомида аникланган қонун бузишларни бартараф этиш ва жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан кўрилган чора-тадбирларга баҳо берилиши учун жавоб беради.

Жамиятнинг Кузатув кенгаши хар чоракда ички аудит хизматининг текширишлар натижалари тўғрисидаги хисботини эшитади, аникланган камчиликларни бартараф этиш ва жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан чора-тадбирлар кўради.